

Шайтон инсоннинг қон юрар жойида юради



09:58 / 13.07.2022 3405

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларидан бири билан эдилар. Бир киши ўтиб қолди. У зот уни чақирдилар. У келганда: **«Эй Фалончи, бу менинг хотиним Фистончи»**, дедилар. **«Эй Аллоҳнинг Расули, бошқадан гумон қилсам ҳам, сиздан гумон қилмайман»**, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, шайтон инсоннинг қон юрар жойида юради»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.